

## Эй Раббим, менга нур ато эт!

16:30 / 02.09.2019 4837

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

У зот холалари Маймуна розияллоху анҳонинг уйларида тунаб қолганларида, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг таҳажжудларида гувоҳ бўлган ҳадисни зикр қилдилар:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам муаззиннинг бомдодга айтган азонини эшитдилар, сўнг намозга кетатуриб, қуйидаги дуони ўқидилар:

يَا رَبِّ اغْفِرْ لِي مَا كُنْتُ بِكَ عَلَيْهِ مِنَ الذُّنُوبِ وَأَعِزِّمْ لِي فِي رِزْقِي وَارْحَمْنِي بِرَحْمَتِكَ يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ  
يَا رَبِّ اغْفِرْ لِي مَا كُنْتُ بِكَ عَلَيْهِ مِنَ الذُّنُوبِ وَأَعِزِّمْ لِي فِي رِزْقِي وَارْحَمْنِي بِرَحْمَتِكَ يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ

«Аллоҳуммажъал фий қолбий нурон ва фий лисаний нурон важъал фий самъий нурон важъал фий басорий нурон важъал мин холфий нурон ва мин амаий нурон важъал мин фавқий нурон ва мин таҳтий нурон, Аллоҳуммаътиний нуро» (Эй Раббим, қалбимда нур қил, тилимда нур қил, қулоғимда нур қил, кўзимда нур қил, орқамдан нур қил, олдимдан нур қил, устимдан нур қил, остимдан нур қил, эй Раббим, менга нур ато эт).

*Имом Муслим ривоятлари.*

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан**